

# **Журналист ва блогерларни ҳушёрликка чақирамиз**



Image not found or type unknown

Бугун Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир А.Арипов бошчилигига Ўзбекистонда коронавирусга қарши қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида комиссия йиғилиши ва брифинг бўлиб ўтди.

Шу аснода, барча ОАВ ва блогерлардан ахборот соҳасидаги қонунчиликка жиддий ва тўлиқ амал қилишини сураймиз, яъни ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот тарқатиш "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуннинг б-моддаси, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 12 прим 1 моддасини ва Жиноят кодексини бузиш ҳисобланади ва жиноий жавобгарликка олиб келади.

Жумладан Жиноят кодексининг 244-1, 2 қисмига кўра, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгacha озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

- а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гурух шахслар томонидан;
- б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;

г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Дилшод Сайджонов,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги  
директорининг биринчи ўринbosари.

**ЎзА**